



15 у.г. "24" апрел

№ 540-К

Самарқанд т-р Самарқанд

**“Даштакиболо” қишлоқ фуқаролар йиғини “Гулобод” кўрғонида  
фуқаро Азизов Рустамга савдо мажмуаси қуриш учун ер майдони  
ажратиш тўғрисида.**

“Даштакиболо” қишлоқ фуқаролар йиғини “Даштсўхта” маҳалласида яшовчи фуқаро Азизов Рустам туман ҳокими номига “Даштакиболо” қишлоқ фуқаролар йиғини “Гулобод” кўрғони ҳудудидан савдо мажмуаси қуришга ер майдони ажратишни сўраб ёзган аризаси, туман ер танлаш ҳайъатининг тузган далолатномаси, “Самфуқаролойиҳа” масъулияти чекланган жамиятини 2015 йил 06 мартдаги 02 сонли ҳулосаси, вилоят табиатни муҳофаза қилиш кўмитасининг Давлат экологик экспертизаси ҳулосаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 26-февралдаги “Шахарсозлик фаолиятини амалга ошириш ва қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган эҳтиёжлар учун ер участкаларини бериш тартибини тубдан соддалаштириш чора тадбирлари тўғрисида”ги 54-сонли ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 августдаги 357 сонли “Тадбиркорлик фаъолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш тартиботлари тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги қарорларига асосан

**Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :**

1. “Даштакиболо” қишлоқ фуқаролар йиғини “Даштсўхта” маҳалласида яшовчи фуқаро Азизов Рустамга “Даштакиболо” қишлоқ фуқаролар йиғини “Гулобод” кўрғони бош режасидан савдо мажмуаси қуриш учун 650 м.кв қишлоқ хўжалигида фойдаланмайдиган туман захира ерлари ҳисобидан ер майдони ажратиш ҳақидаги туман ер танлаш ҳайъатининг тузган далолатномаси тасдиқлансин.

2. Фуқаро Азизов Рустамга савдо мажмуаси қуришдан олдин қатъий равишда Ўзбекистон Республикаси “Шахарсозлик кодекси”нинг 8, 39, 54 моддаларига амал қилган ҳолда архитектура талаблари топшириғи (АРТ), лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаб Давлат қурилиши экспертизаси рўйхатидан ўтказиш вазифаси юклатилсин.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Қ. Қурбонов зиммасига юклансин.

Туман ҳокими

Б. Кадиров